

PhD Маъмура Абдужаборова
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

КОРХОНАЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада “самарадорлик”, “иктисодий самарадорлик”, “хўжалик фаолияти самарадорлиги” тушунчалари ва унинг мазмуни, турли илмий нашрларда тушунчага берилган таърифлар, мавзунинг долзарблиги, корхоналарнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини таҳлил этиш методикаси келтирилган. Хўжалик фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилган. Давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими тадқиқ этилган. Корхоналар хўжалик фаолияти самарадорлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар муаллиф томонидан тизимлаштирилган. Тадқиқотлар натижасида фаолият самарадорлигини таъминлаш бўйича муаллиф ёндошуви шакллантирилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: самарадорлик, иктисодий самарадорлик, хўжалик фаолияти самарадорлиги, молиявий фаолият самарадорлиги, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, материал қайтими, материал сиғими, фонд қайтими, фонд сиғими, меҳнат унумдорлиги.

ANALYSIS OF ECONOMIC ACTIVITY EFFICIENCY OF ENTERPRISES

Abstract. This article reflects the concepts of "efficiency", "economic efficiency", "efficiency of economic activity" and its content, the definitions given in various scientific publications, the relevance of the topic, the methodology of analyzing the efficiency of economic activity of enterprises. It has been studied factors affecting the efficiency of economic activity. It has been researched the system of indicators used to evaluate the efficiency of state-owned enterprises. As a result of the research, was formed the author's approach and were developed recommendations to ensuring the effectiveness of the activity.

Key words: efficiency, economic efficiency, efficiency of economic activity, efficiency of financial activity, important indicators of efficiency, material return, material capacity, fund return, fund capacity, labor productivity.

Кириш

Ҳар қандай корхона келгуси фаолияти ривожланиш истикболлари жорий даврдаги фаолиятининг самарадорлиги даражасига боғлиқдир.

Фаолиятнинг самарадорлиги корхонанинг ресурс потенциали ва ундан оқилона фойдаланиш қобилиятини аңглатади. Айнан фаолият самарадорлиги корхонанинг фойда ҳажмига таъсир этадиган муҳим омилдир.

Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган ресурслар ва эришилган натижа ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш харажатларни камайтириш ҳамда фойда ҳажмини ошириш имконини беради.

Фаолиятнинг асосий йўналиши ҳисобланган хўжалик фаолиятининг самараси ҳар бир жараённинг босқичма-босқич тўғри ташкил қилинишига боғлиқ. Хўжалик жараёнларининг ҳар бир иштирокчиси ўз фаолияти йўналишини яхши билиши ва ундан олинadиган самарани таъминлай олиши умумий хўжалик фаолияти натижасининг самарадорлигига олиб келади.

Тўғри қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар, натижани олдиндан кўра билиш қобилияти фаолият самарасининг муваффақиятлилигини таъминлайди. Ҳар бир вазифанинг ижросини таъминлаш учун аниқ муддатларнинг белгиланиши жуда муҳим жиҳатдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий самарадорлик – иқтисодий самара ва ушбу самарани юзага келтирган харажатлар ўртасидаги нисбатни ифодаладиган кўрсаткичдир[5].

Самарадорлик – бу корхонанинг молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси, юқори молиявий натижаларга эришиш учун воситадир[1].

Ишлаб чиқариш самарадорлиги - корхона миқёсида иқтисодий фаолият, иқтисодий дастурлар ва тадбирларнинг фойдали натижалар бериши, олинган иқтисодий самаранинг муайян қийматга эга бўлган ресурсларни қўллаган ҳолда энг юқори ишлаб чиқариш ҳажмига эришишга сабаб бўлган ишлаб чиқариш омиллари, ресурслар сарфларига нисбати билан тавсифланади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги; ишлаб чиқариш воситаларидан ва капиталдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари билан аниқланади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги техник самарадорлик (ишлаб чиқариш ҳажми), иқтисодий самарадорлик (меҳнат унумдорлиги, меҳнат ресурслари, асосий фондлар, айланма ресурслар), ижтимоий самарадорлик (моддий ресурслар, фойда) ҳисобига шаклланади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблашдан мақсад самарадорликка нималар ҳисобига эришилганини аниқлаш ва яна қандай омиллар эвазига уни ошириш мумкинлигини белгилашдан иборат[10].

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар рақобатбардошлиги ва келажақда улар фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги, энг аввало, самарадорликка боғлиқдир. Молиявий фаолият самарадорлиги

ташқи инвесторлар, молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳамкорлар, мулкдорлар учун молиявий жозибадорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу боис корхонанинг жорий, ўтган ва келгуси фаолияти молиявий натижаларини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади[6].

Хўжалик фаолияти самарадорлигининг асосий тамойили минимал харажатлар билан ҳақиқий максимал натижаларга эришиш ҳисобланади. Айтиш мумкинки, корхонанинг самарали фаолияти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш харажатларни минималлаштиришдан иборат[7].

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона молиявий-хўжалик фаолияти унинг самарадорлигини оширишни талаб этади. Бу мақсадга эришиш учун ҳар бир хўжалик субъекти фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини шаклланиш омилларини асослаш муҳим аҳамият касб этади[2].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида корхоналар хўжалик фаолияти самарадорлиги таҳлилининг назарий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

“Самарадорлик” сўзи латинча “effectus” сўзидан олинган бўлиб, “ҳаракат, бажариш” маъноларини англатади.

Корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги даражасини аниқлашнинг асосий мақсади фаолиятни оптимизация қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Самарадорликни баҳолашда қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлар 3 гуруҳга бўлинади:

мутлақ кўрсаткичлар(фойда ҳажми, хусусий капитал ҳажми);

нисбий кўрсаткичлар(кўрсаткичларнинг ўзаро нисбати);

ўртача кўрсаткичлар(ўртача ойлик иш ҳақи, ўртача сотиш ҳажми).

Белгиланган сифатдаги маҳсулот(иш, хизмат)ни сотиш, барча турдаги ресурслардан оқилона фойдаланиш, даромад ҳажмининг муттасил ўсиши корхона фаолияти самарадорлигининг муҳим жиҳатларидир.

1-жадвал

Корхона фаолият самарадорлигига таъсир этувчи омиллар[3]

Кўрсаткичлар категорияси	Изоҳ
Халқ хўжалиги	Инвестицион сиёсат, илмий-техник тараққиёт, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг умумий ижтимоий-иқтисодий тенденциялари
Тармоқ	Тармоқ бозори конъюктураси, тармоқнинг халқ хўжалиги структурасида умумий ва структуравий тавсифи
Худудий	Географик жойлашув, табиий-иқлим шароитлари, бозор салоҳияти ва инвестицион бозор
Экстенсив	Материаллар, хомашё, энергия, ёқилғи, меҳнат ресурслари ҳажми ўсиши
Интенсив	Меҳнат унумдорлиги, материал қайтими, фонд қайтими, капитал қайтими ўсиши; капитал сиғими, фонд сиғими, меҳнат сиғими камайиши
Умумий	Ишлаб чиқариш тавсифи ва унинг тармоқ хусусияти, моддий-техник база ҳолати
Тузилмавий-ташкилий	Таъминот, сотиш, ишлаб чиқариш, бошқариш ва ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқаларнинг ташкилий структураси
Махсус	Ноаниқлик ва хавф омиллари
Ўзига хос	Бошқаришнинг ташкилий шакллари ўртасидаги нисбат, бошқарув аппарати структураси мувофиқлиги даражаси, бошқарув шакллари ва бошқарув методлари ўртасидаги нисбат, бошқарув ишлари механизацияси ва автоматизацияси даражаси, ходимларнинг малака даражаси ва улар меҳнатининг самарадорлиги

Жадвалда келтирилган омиллар ташкилий характер касб этади. Келтирилган омиллар билан биргаликда биз бевосита фаолият самарадорлигининг инъикоси ҳисобланган маҳсулот(иш, хизмат) ҳажми билан боғлиқ омилларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим деб, ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9.12.2020 йилдаги «Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 775-сон қарори қабул қилинди[9]. Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) қаторида қўшимча кўрсаткичлар жорий этилди. Қарорда қуйидагилар назарда тутилган:

ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги натижалари Агентлик сайтида жойлаштирилмаган ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёхуд паст даражада деб эътироф этилган тақдирда, ижро этувчи орган аъзолари рағбатлантирилишига йўл қўйилмайди;

давлат иштирокидаги корхоналар, шу жумладан тижорат банклари ижро этувчи органининг йил якунлари бўйича фаолияти самарадорлиги

юқори баҳоланган тақдирда, уларнинг раҳбарларига олинган соф фойданинг 5%игача бўлган миқдорда бир йўла тўланадиган мукофот берилиши мумкин; молиявий ҳисоботни шакллантириш ва топшириш муддатидан қатъи назар, давлат иштирокидаги корхоналар ҳар чоракда СМК бажарилишини ҳисоблайди ва эълон қилади.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари– устав жамғармасида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва давлат корхоналарининг ижро этувчи органи аъзолари (раҳбар, раҳбар ўринбосарлари, бош ҳисобчи ва бошқалар) фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий ўлчовидир[8]. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари(СМК) кузатув кенгаши, у мавжуд бўлмаганда эса - юқори бошқарув органи ёки муассис (давлат корхоналари учун) қарори билан тасдиқланади ва унда соф тушум, соф фойда, таннархни камайтириш, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, экспорт-импорт, маҳаллийлаштириш ва инвестиция дастурлари бажарилиши, энергосамарадорлик ва самарадорликнинг бошқа кўрсаткичлари белгиланади ҳамда ҳар чорак якуни бўйича ҳисобланади.

СМК ишлаб чиқилишида ҳар бир кўрсаткич учун салмоқ ўлчови (уделный вес) ҳамда прогноз (мақсадли) кўрсаткичларни белгилаш муҳим ҳисобланади, чунки ҳар бир кўрсаткичнинг чорак якуни бўйича бажарилиш миқдорини салмоқ ўлчовига кўпайтириш ва 100 га бўлиш орқали СМК (KPI) аниқланади.

СМК рўйхати 13 та асосий ва 18 та қўшимча кўрсаткичлардан иборат. Бизнинг фикримизча, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари таркибини такомиллаштириш лозим деб, ҳисоблаймиз. Жумладан, самарадорлик кўрсаткичлари таркибида келтирилган молиявий мустақиллик коэффициенти ва тўлов қобилияти коэффициенти бевосита корхонанинг молиявий барқарорлиги, рентабеллик кўрсаткичлари молиявий натижавийликни ифодалайди. Ўз навбатида хўжалик фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш корхонанинг кучли томонлари, фаолиятнинг самарасиз соҳалари ва ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш имконини беради. Таҳлил жараёнида фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини белгилаб олиш жуда муҳимдир. Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун комплекс ёндашиш усулидан фойдаланиш лозим. Тадқиқотлардан келиб чиқиб, корхона фаолияти самарадорлигини баҳолашда умумий ва хусусий кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз (2-жадвал):

2-жадвал

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизими¹

№	Кўрсаткичлар		Умумий кўрсаткичлар	Аниқланиш тартиби	Хусусий кўрсаткичлар	Аниқланиш тартиби
1.	Асосий воситалардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ		Фонд қайтими	МХ / АВўрт	Бино қайтими	МХ / Б
					Иншоотлар қайтими	МХ / И
					Асбоб- ускуна қайтими	МХ / АУ
					Транспорт воситалари қайтими	МХ / ТВ
					Компьютер техникаси қайтими	МХ / КТ
					Бошқа асосий воситалар қайтими	МХ / БАВ
			Фонд сиғими	АВўрт / МХ	Бино сиғими	Б / МХ
					Иншоотлар сиғими	И / МХ
					Асбоб- ускуна сиғими	АУ / МХ
					Транспорт воситалари сиғими	ТВ / МХ
					Компьютер техникаси сиғими	КТ / МХ
					Бошқа асосий воситалар сиғими	БАВ / МХ
2.	Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ		Материал қайтими	МХ / МР	Хом ашё қайтими	МХ / ХА
					Ёқилғи қайтими	МХ / Ё
					Энергия қайтими	МХ / Э
					Инвентарлар қайтими	МХ / И
			Материал сиғими	МР / МХ	Хом ашё қайтими	ХА / МХ
					Ёқилғи қайтими	Ё / МХ
					Энергия қайтими	Э / МХ
					Инвентарлар қайтими	И / МХ
3.	Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ	Натура ўлчов бирлиги	Меҳнат унумдорлиги(бир ходимнинг меҳнат унуми)	МХ _{нўб} / Х	Бир ишчининг меҳнат унуми	МХ _{нўб} / И
					Бир хизматчининг меҳнат унуми	МХ _{нўб} / Х
		Қиймат ўлчов бирлиги	Меҳнат унумдорлиги(бир ходимнинг меҳнат унуми)	МХ / Х	Бир ишчининг меҳнат унуми	МХ / И
					Бир хизматчининг меҳнат унуми	МХ / Х
		Меҳнат ўлчов бирлиги	Меҳнат унумдорлиги	МХ / В	Бир кунлик меҳнат унуми	МХ / К
					Бир соатлик меҳнат унуми	МХ / С

Белгилар изоҳи: МХ – маҳсулот ҳажми, АВўрт – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, Б – бино, И – иншоот, АУ – асбоб-ускуналар, ТВ – транспорт воситалари, КТ – компьютер техникаси, БАВ – бошқа асосий воситалар, МР – моддий ресурслар, ХА – хом ашё, Ё – ёқилғи, Э – энергия, И – инвентарлар, МХ_{нўб} – маҳсулот ҳажми натура ўлчов бирлигида, Х – ходим, В – вақт, К – кунлар, С – соатлар.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Айрим манбаларда хўжалик фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида натижавийлик кўрсаткичлари(жумладан, рентабеллик кўрсаткичлари)ни акс эттириш ҳоллари ҳам учрайди. Бизнинг фикримизча, хўжалик фаолият самарадорлиги сарфланган ресурслар ҳисобига яратилган маҳсулот(иш, хизмат) ҳажмини ифодалайди.

Хулоса

Ҳар қандай корхона раҳбарининг вазифаси хўжалик-молиявий фаолияти самарадорлигини оширишдир. Хўжалик фаолиятининг самарасизлиги корхонада бизнес жараёнларнинг тўғри ташкил этилмаётганлигини билдиради. Ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, ходимлар ўртасида функцияларнинг тўғри тақсимланмаганлиги, тўғри бошқарув қарорларини қабул қила олмаслик бизнес жараёнларнинг тўғри ташкил этилмаганлигини билдиради. Тўғри қабул қилинган бошқарув қарорлари турли даражадаги раҳбарларнинг самарали етакчилиги қобилиятини ифодалайди. Етакчилик ва бошқарув қарорларини қабул қила олмаган раҳбар ходимларни ўз вақтида алмаштириш лозим. Акс ҳолда нотўғри танланган раҳбар ходимлар томонидан қабул қилинган қарорлар корхона самарасиз фаолиятига сабаб бўлади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун моддий-ашёвий базани мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини ошириш, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда корхона фаолияти самарадорлигини ошириш учун бир қанча тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз:

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни оқилона бошқариш;
- маҳсулот(хизмат) ҳажми ва структурасининг ўзгариши;
- маҳсулот(иш, хизмат)нинг таркибида инновацион ўзгаришлар улушини ошириш;
- маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш;
- активлар ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- капиталдан унумли фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдукаримов И.Т., Тен Н.В. Эффективность и финансовые результаты хозяйственной деятельности предприятия: критерии и показатели

их характеризующие, методика оценки и анализа. Журнал “Социально-экономические явления и процессы. № 5-6 (027-028), 2011.

2. Адаменкова, С.И. Анализ хозяйственной и финансовой деятельности: учеб.–метод.пособие / С.И. Адаменкова, О.С. Евменчик. – Минск: Элайда, 2011. – 352 с.

3. Астахов, В.П. Анализ финансовой устойчивости и процедуры, связанные с банкротством [Текст]: В.П. Астахов. - М.: ДиС, 2011.- 480 с.

4. Бессараб Д., Кара М.Ф. Классификация факторов повышения эффективности финансово – хозяйственной деятельности предприятия. Conferința "Проблемы и вызовы экономики региона в условиях глобализации". 6, Comrat, Moldova, 10 decembrie, 2020.

5. Зыкова, Н. В. Исследование подходов к оценке эффективности деятельности организации / Н. В. Зыкова // Экономика и менеджмент инновационных технологий. 2014. №12. С. 22-24.

6. Коробов М.Я. Финансово-экономический анализ деятельности предприятий: Учебник. - Об-во “Знание”, КОО, 2000. - 378 с.

7. <https://www.audit-it.ru>

8. <https://kpi.davaktiv.uz>

9. <https://www.norma.uz>

10. <https://uz.wikipedia.org>